

## ДАВЛАТ ТИЛИНИНГ ҲУҚУҚИЙ МАҚОМИ ВА АҲАМИЯТИ

ТДЮУ “Давлат ва ҳуқуқ назарияси” кафедраси ўқитувчилари

**Фируза Мухитдинова**

**Малика Туйчиева**

юримдик лицей ўқитувчиси

**Феруза Лутфуллаева**

Ҳар бир инсон дунёга келар экан, унинг ота-онаси бўлгани сингари ўзлигини англатиб турувчи она тили бўлиши табиий. Ана шу тилда сўзлашиб, уни мадҳ этувчи шеърлар, қўшиқлар ёзилган ва ёзилмоқда. Она тили давлат қонунларида ўз ҳуқуқий асосини топган ҳамда ҳимоя қилинадиган мақомга эгадир. Жумладан, Ўзбекистон Конституциясида давлат тилининг мақоми мустаҳкамлаб қўйилган. “Давлат тили тўғрисида”ги қонуннинг қабул қилингани она тилимизнинг ривожланиши учун кенг имконият яратди. Шу тариқа ўзбек тили мамлакатимизнинг байроғи, герби, мадҳияси қаторида турадиган, қонун билан ҳимоя қилинадиган ватан тимсолларидан бирига айланди.

Қувонарли томони ўзбек тили дунёдаги қадимий, гўзал ва бой тиллардан бири ҳисобланади. Тилнинг беқиёс имкониятларини қадимги тошбитикларда, халқимизнинг замонлар синовидан ўтиб келаётган мақол ва иборалари, дostonларида, шоир ва ёзувчиларимиз асарларида яққол кўриш мумкин. Маҳмуд Қошғарийнинг «Девону луғотит турк» китоби, Аҳмад Яссавийнинг ҳикматлари, Алишер Навоийнинг «Хамса»си, Заҳридин Муҳаммад Бобурнинг «Бобурнома»си, Машраб, Огаҳий, Абдулла Қодирий, Чўлпон, Абдулла Орипов, Эркин Воҳидов, Матназар Абдулҳаким, Муҳаммад Юсуфнинг асарлари она тилимизда ёзилган бебаҳо дурдоналар бўлса, давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев томонидан БМТ минбарида ўзбек тилида нутқ ўқилиши унинг нуфузини, обрўйини дунё ҳамжамиятига оширди, десак, бўлади.

Тил қанча бой бўлгани билан ундан тўлақонли фойдалана олмаслик тилнинг ва нутқнинг камбағаллашувига олиб келади. Ўзбек тили тарихига кўра дунёнинг энг бой тилларидан бири бўлган. Алишер Навоий асарларида 28 мингдан ортиқ сўз ишлатилган бўлса, рус шоири Пушкин асарларида 25 мингта, инглиз ёзувчиси Шекспир 22 мингта, испан ёзувчиси Сервантес эса 18 мингта сўз ишлатган холос. Рим императори Карл «Худо билан испан тилида, дўстлар билан француз, душманлар билан немис, аёл билан италян тилида гапириш тўғри эканлигини айтганди. Лекин агар у Навоий тилида ўзбек тилининг жозибасини билганида эди, албатта, уларнинг барчаси билан гаплашишга муносиб эканини қўшимча қилган бўларди.

Алишер Навоий бу масалада барчага ўртак бўлиб, ўзбек тилининг ҳеч ким англамаган ва фойдаланмаган имкониятларни ниҳоятда усталик билан самарали қўллаган. Оқибатда ўз она тилини ҳавас қиларлик даражага ва юксакликка

кўтарган. Шу боис, Лутфий ўзининг 10-12 минг байтлик бутун бошли ижодини Навоийнинг 10-12 ёшларида битган

Оразин ёпқоч, кўзумдан сочилур ҳар лаҳза ёш,

Бўйлаким, пайдо бўлур юлдуз, ниҳон бўлғач қуёш, матлаъли ғазалига алмашмоқчи бўлган. Шу боис ҳам, Навоий буюк хизматлари учун авлиёларнинг авлиёси, мутафаккирларнинг мутафаккири ва шоирларнинг султони деган юксак баҳога сазовор бўлган. Амир Темурнинг “Темур тузуклари” ҳам эски ўзбек тилида ёзилган. Бунга Яман ҳукмдори Жаъфар шоҳнинг кутубхонасидан топилган, соҳибқироннинг бошидан кечирганлари, давлат бошқаруви усуллари, вазир-у амирлари, фарзандларига берган маслаҳатлари ўрин олган туркий тилда битилган ноёб қўлёзма яққол мисол бўлади. Амир Темур ҳукмронлигидаги салтанатда иш юритиш, дипломатик ва сиёсат тили ҳам она тили – эски ўзбек тилида олиб борилганлигига тарихнинг ўзи гувоҳ. Агар турли давр эгаларининг фикрларидан мисол келтиришда давом этсак, юрагимиз ачишади. Маърифат фидойиси Абдулла Авлонийнинг «Ҳифзи лисон» мақоласида мана шундай ўтли сўзлар қайд этилган:

«Миллий тилни йўқотмак — миллатнинг руҳини йўқотмакдир. Ҳайҳот! Биз туркистонлилар миллий тилни сақламак бир тарафда турсун, кундан-кун унутмак ва йўқотмақдадурмиз...

Ё-ху! Бизга на бўлди? Боболаримиз йўлидан чиқиб кетдук!»

Шу боис ҳам, аҳамият бериш керакки, четдан кириб келаётган ҳар қандай хорижий тил таъсири она тили ва миллий маданиятга соя солиши мумкин. Мисол учун, Швецияда инглиз тилидан фаол фойдаланиш натижасида турли соҳа фаолиятида швед тилидан фойдаланилмай қўйигани маълум. Швед тили давлат тили сифатида йўқолиб бораётгани эса, салбий ҳолатдир.... Мустамлакачилик тарихига эга бўлган кўплаб мамлакатларда эски мустамлака тиллари ижтимоий ҳаёт тили ҳисобланади, она тили эса фақатгина уйда фойдаланиш ва норасмий кундалик алоқада қўлланилади.

Бундан ташқари, кўп миллатли Ўзбекистонда юридик жиҳатдан маълум бир тилга давлат тилига тенг бўлган махсус мақом берилиши жамиятда қандайдир даражада кескинлик, унинг бўлиниши ва этник қарама-қаршиликларни юзага келтириши мумкин.

Бошқа тилларни билмасликни етарлича баҳоламаслик зарарли ва прогрессив ривожланиш жараёнини секинлашишига хизмат қилади. Шу билан бирга, биз бугунги кунда замонавий ўзбек тили, шу жумладан адабий тил қандай ўзгараётганига гувоҳ бўляпмиз. Ўзбек тилига чет тиллардан бошқа сўзларнинг кириб келиши, келиб чиқиши ва шаклланиши чуқур илдизга эга ўзбек тилининг тарихий аҳамияти йўқолиб бораётганини кўриш мумкин. Конституцияга мувофиқ Ўзбекистон Республикасининг давлат тили ўзбек тилидир. Ўзбекистон Республикасининг «Давлат тили ҳақида»ги қонуни давлат ҳокимияти ва

бошқарув органларида иш давлат тилида юритилиши ва заруриятга қараб бошқа тилларга таржима қилиниши таъминланишини белгилаган.

Демак, қонунга мувофиқ давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари давлат тилида иш юритишлари шарт. Давлат ҳокимияти ва бошқарув органларида иш юритиш деганда, ушбу органлар фаолиятида ҳужжатларни тайёрлаш, ҳужжат айланиши ва ҳужжатлар билан ишлашга оид фаолият тушунилади. Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг қонунлари, давлат ҳокимияти ва бошқарув органларининг бошқа ҳужжатлари давлат тилида қабул қилинади ва эълон этилади.

Умуман олганда, бир жиҳатдан, давлат органларида барча учун бир тилда (давлат тили ёки расмий тил) иш юритиш тартибини белгилаш жамият аъзоларининг қонун ҳужжатларини қийинчиликсиз тушуниш ва давлат органлари фаолияти билан танишиш имкониятини кенгайтиради. Шу нуқтаи назардан бундай қоидалар кўплаб мамлакатларда амал қилади.

Давлатлар олдида йўналишлар ва замонавий глобал жараёнларга қўшилиш вазифасини қўйётган минтақалашув ва глобаллашув даврида анъанавий қадриятлар ҳамда миллий ва маданий ўзига хосликни сақлаб қолиш каби муҳим жиҳатларнинг жамланмаси инсоният ривожининг асосий омили ҳисобланади.

Арманистон: “Арманистон Республикасининг давлат тили – арман тилидир, бу тил республика ҳаётининг барча соҳасида амал қилади. Арманистон Республикасининг расмий тили – арман адабий тилидир. Арманистон Республикаси арман тилининг мамлакат ташқарисида яшайдиган арманлар ўртасида сақланиши ва тарқалишига кўмаклашади”.

Тожикистон: “1. Тожикистон Республикасининг давлат тили тожик тилидир. 2. Тожикистон Республикасининг ҳар бир фуқароси давлат тилини билишга мажбурдир.”

Қирғизистон: “Қирғиз тили Қирғизистон давлатчилигининг бош асосларидан бири сифатида давлат ва маҳаллий ўз-ўзини бошқариш органлари фаолиятининг барча соҳаларида амал қилади”...

Озарбойжон: “1. Озарбойжон Республикасининг давлат тили озарбойжон тилидир. Озарбойжон Республикасининг ҳар бир фуқароси давлат тилини билишга мажбурдир.” 2. Озарбойжон тили давлат тили сифатида мамлакат ҳаётининг барча сиёсий, ижтимоий, иқтисодий, илмий ва маданий соҳаларида фойдаланилади. 3. Озарбойжон Республикаси давлат тилидан фойдаланишни, уни ҳимоя қилиш ва ривожлантиришни таъминлайди.”...

Қозоғистон: “Қозоғистон Республикасининг давлат тили қозоқ тилидир. Давлат тили – давлат бошқаруви, қонунлар, суд юритиш, иш юритиш тили бўлиб, бутун давлат ҳудудида ижтимоий муносабатларнинг барча соҳаларида амал қилади. Давлат тилини билиш ҳар бир Қозоғистон Республикаси фуқаросининг бурчидир.”-деб давлат тилининг мсавқеи ҳуқуқий ҳимоялангани диққатга сазовор. Биз ҳам бугун ўз она тилимизни асраб-авайлашимиз бурчимиздир.

Она тилимизга муҳаббатни одамларнинг самимий суҳбатларида кўриб, беихтиёр шундай эл фарзанди эканлигимиздан фахрланамиз. Зеро, тил инсон қиёфаси ва ички гўзаллигини намоён этадиган энг гўзал туйғудир. Ўз тилига муҳаббатли инсон халқини, ватанини, қадриятларини, маданий меросини ҳам эъзозлайди. Алишер Навоий бобомиз бежиз «Тилга ихтиёрсиз – элга эътиборсиз» дея ёзмаган. Халқнинг Ватани, давлати каби яна бир буюк бойлиги бор. Бу – унинг тили. Айнан тил одамлар гуруҳини бир миллат сифатида бириктиради, яъни халқни – халқ, миллатни – миллат қилади.

Аммо бугун ҳамюртларимизнинг саводхонлик масаласига эътиборсизлик қилаётгани дилни хира қилади. Ташкилот ва муассасалар чиқараётган хат-хабарлардаги имло хатолари уларни қизиқтирмайди гўё. Яқинда бир ташкилот ўтказган тадбирни ёритиш учун қўлимга пресс-релиз беришди. Тўғриси, бир энлик маълумотда шунча хато қилиш учун киши, Гафур Ғуломнинг таъбири билан айтганда, дарсхонада эмас, ҳирсхонада таълим олган бўлиши керак.

Ўзбек тили сиёсий-ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маърифий жабҳаларда фаол қўлланилиб, халқаро минбарларда баралла янграмоқда. Хорижий мамлакатларда тилимизга эътибор ва уни ўрганишга қизиқиш кучаймоқда.

Бугунги глобаллашув даврида ҳар бир халқ, ҳар қайси мустақил давлат ўз миллий манфаатларини таъминлаш, бу борада аввало ўз маданиятини, азалий қадриятларини, она тилини асраб-авайлаш ва ривожлантириш масаласига устувор аҳамият қаратиши табиийдир.

Мутахассисларнинг фикрича, дунё халқлари бугунги кунда 7000 дан зиёд тилда гаплашса, уларнинг фақатгина 200 га яқинида давлат тили ёки расмий тил мақоми мавжуд экан. Ўтмишда 9000 дан ортиқ тил мутлақ йўқолиб кетганлиги ҳам асослантирилади. Бирор бир тилнинг яшаб қолишини таъминлаш учун ундан камида 1 миллион киши фаол фойдаланиши керак. Ўзбек тилининг халқаро миқёсда обрўси ошди. “Давлат тили ҳақида”ги қонун она тилимизнинг бор гўзаллиги ва жозибасини тўла намоён этиш билан бирга, уни илмий асосда ривожлантириш борасида ҳам кенг имкониятлар яратди. Олимлар ва мутахассислар томонидан илм-фан ва турли соҳаларга оид энциклопедия ва луғатлар, дарслик ва ўқув қўлланмалари чоп этилди. Мумтоз адабиётимиз намуналари, саксон мингдан зиёд сўз ва сўз бирикмасини, фан, техника, саноат, маданият ва бошқа соҳаларга оид атамаларни, шеваларда қўлланиладиган сўзларни ўз ичига олган беш жилдлик “Ўзбек тилининг изоҳли луғати” бу борада амалга оширилган ишларнинг энг муҳимларидандир Янгиланаётган Ўзбекистоннинг бугунги босқичи — миллий юксалиш даври талабларидан келиб чиқиб, бугунги кунда она тилимизнинг нуфузини янада ошириш борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда. 1989 йил 21 октябрь. “Давлат тили ҳақида”ги қонун қабул қилиниб, ўзбек тилига давлат тили мақоми берилди. ЎРҚ-167-I-сон 21.12.1995 йилда Ўзбекистон Республикасининг «Давлат тили

ҳақида»ги Қонунининг янги таҳририни амалга киритиш тартиби тўғрисида Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Ўзбекистон ССРнинг Давлат тили ҳақида"ги Қонунни амалга ошириш Давлат дастурига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Вазирлар Маҳкамасининг - 311-сон 10.09.1996 йилдаги Қарори, "Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетини ташкил этиш тўғрисида» 2016 йил 13 майдаги ПФ-4797-сон Фармонини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида" Вазирлар Маҳкамасининг Қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 18.05.2018 йилдаги "Жаҳон адабиётининг энг сара намуналарини ўзбек тилига ҳамда ўзбек адабиёти дурдоналарини чет тилларига таржима қилиш ва нашр этиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ВМҚ-376-сон Қарори. 22.03.2019 йилдаги "Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Регламентини тасдиқлаш тўғрисида"ги Вазирлар Маҳкамасининг Қарори, 21.10.2019 йилдаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони, Ўзбекистон Республикасининг "Ўзбек тили байрами кунини белгилаш тўғрисида"ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети фаолиятини ташкил этиш тўғрисида"ги Қарори каби ўзбек тили мақомини кўтараетган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар мавжуд. Айниқса, Ўзбекистон Конституциясидаги мақоми унинг ҳуқуқий мавқеини оширган ҳужжатдир. Шу билан бирга, Ўзбекистонда истиқомат қилувчи барча миллат ва элат тилларига ҳурмат кўрсатилади ва уларнинг ривожини учун шароитлар яратилади. Оммавий ахборот воситалари Ўзбекистонда истиқомат қилувчи миллат ва элатларнинг бир неча тилларида эфирга узатилади ва чоп этилади. Абдулла Орипов таъбири билан айтганда, Инсон қалби билан ҳазиллашманг сиз, Унда миллат яшар, унда тил яшар! Шунингдек, ЮНЕСКО ташкилоти экспертлари 1953 йилда "давлат тили" ва "расмий тил" тушунчаларини фарқлашни таклиф этган. Унга кўра:

Давлат тили — сиёсий, ижтимоий ва маданий соҳаларда маълум бир давлатда интеграция (бирлаштирувчи) вазифасини амалга оширадиган, шунингдек ушбу давлатнинг рамзи саналадиган тилдир.

Расмий тил – давлат бошқаруви, қонунчилик, суд жараёни тилидир.

Ушбу икки таъриф тушунтириш-тавсия сифатида қабул қилинади, барча мамлакатлар учун мажбурий эмас.

Халқимизнинг муқаддас қадриятларидан бири бўлган она тилимиз ўзининг қонуний мақоми ва ҳимоясига эга бўлди. Зеро она тилимиз миллий ўзликимиздир. Ўзбекистон Республикаси Конституциясида давлат тилининг мақоми ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамлаб қўйилган. Шу тариқа ўзбек тили мустақил давлатимизнинг Байроғи, Герби, Мадҳияси қаторида турадиган, қонун

йўли билан ҳимоя қилинадиган муқаддас давлат рамзига айланди. Ўзбекистон – кўп миллатлик давлат. Республикада 130 дан ортиқ миллат ва элат вакиллари истиқомат қилади. Ўзбекистон аҳолисининг 80 фоиздан ортиғини ўзбеклар ташкил этиб, уларнинг умумий аҳоли сонигаги улуши мунтазам ошиб бормоқда. Шунингдек, бошқа миллатларнинг катта жамоалари ҳам мавжуд. 10 фоиздан ортиғи – Марказий Осиё халқларининг бошқа вакиллари (5 фоизга яқини – тожиклар, 3 фоизга яқини – қozoқлар, 2 фоизи – қорақалпоқлар, 1 фоизи — қирғизлар, шунингдек туркманлар ва бошқалар). Рус ва бошқа славян халқлари вакиллари республика аҳолисининг 10 фоизини ташкил қилади. Ўзбекистон Республикасининг “Давлат тили тўғрисида”ги Қонунига (мувофиқ, Ўзбекистон Республикасининг давлат тили ўзбек тилидир. Ўзбек тилига давлат тили мақомининг берилиши республика ҳудудида яшовчи миллат ва элатларнинг ўз она тилини қўллашдан иборат конституциявий ҳуқуқларига монелик қилмайди. Фуқаролар миллатлараро муомала тилини ўз хоҳишларига кўра танлаш ҳуқуқига эгадирлар. Шу билан бирга, Ўзбекистонда истиқомат қилувчи барча миллат ва элат тилларига ҳурмат кўрсатилади ва уларнинг ривожини учун шароитлар яратилади. Оммавий ахборот воситалари Ўзбекистонда истиқомат қилувчи миллат ва элатларнинг бир неча тилларида эфирга узатилади ва чоп этилади. Давлат тилини барча ҳамюртларимиз билиши, ҳурмат қилиши ҳам қарз, ҳам фарздир. Мутахассисларнинг фикрича, жаҳон аҳли бугунги кунда 7000 дан зиёд тилда гаплашар ва, буни қарангки, уларнинг фақатгина 200 га яқинида давлат тили ёки расмий тил мақоми мавжуд экан. Ўтмишда 9000 дан ортиқ тил мутлоқ йўқолиб кетганлиги ҳам асослангайди. Жумладан, Швецияда инглиз тилидан фаол фойдаланиш натижасида турли соҳа фаолиятида швед тилидан фойдаланилмай қўйилди. Швед тили давлат тили сифатида йўқолиб бормоқда. Бугунги кунда бирор бир тилнинг яшаб қолишини таъминлаш учун ундан камида 1 миллион киши фаол фойдаланиши керак. Шунингдек, дунёда 50 миллионга яқин аҳоли ўзбек тилида сўзлашади. Зеро, ҳар кун дунёда ўлик тилга айланаётган тиллар борлигини ҳам унутмаслик керак. Бугун ўзбек тили ўттиз икки ёшга тўлаётган ушбу сана, яъни 21-октябрни мамлакатимизда тил байрами сифатида нишонланиши анъанага айланиб қолган. Чунки, мамлакатимизда она тилимизни янада ривожлантириш ва такомиллаштириш, унинг миллий руҳини ошириш, тилга оид давлат дастурлари ижросини таъминлашдек устувор йўналишдаги вазифаларни бажариш кундалик ҳаётимизга тобора сингиб бормоқда. Мустақиллик йилларида ўзбек тили жамиятимизнинг барча соҳаларида кенг қўлланилаётганлиги, халқаро миқёсда фаол мулоқот воситасига айланиб, унинг хорижий давлатлар раҳбарлари билан олиб борилаётган музокара ва учрашувларда, юксак даражадаги расмий тадбирларда қўлланилаётганлиги барчамизда ғурур ва ифтихор туйғусини уйғотади. Айниқса, 2020-йил 23-сентябр куни юртбошимиз Шавкат Мирзиёевнинг БМТ Бош Ассамблеясида илк бора ўзбек

тилида нутқ сўзлаши бутун ўзбек халқи учун муҳим тарихий кун бўлди ҳамда ўзбек тилининг ривожланишидаги янги босқич бўлди.

Қувонарли томони, Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети ҳузуридаги Давлат тилида иш юритиш асосларини ўқитиш ва малака ошириш марказида ўзбек адабий тили меъёрлари ва давлат тилида иш юритиш бўйича қисқа муддатли ўқув курсларининг мунтазам равишда ташкил этилгани, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбек тилини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан: кўп жилдли “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”нинг тўлдирилган янги нашри (кирилл ва лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосида); “Ўзбек тилининг имло луғати”; “Ўзбек тили синонимлари луғати”; “Ўзбек тили синонимларининг катта изоҳли луғати”; “Ўзбек тили фразеологизмларининг катта изоҳли луғати”; “Ўзбек тили омонимлари луғати” китоблари чоп этилгани ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда. Бугунги кунда олий таълим муассасаларининг филология таълим йўналишларида “Компьютер лингвистикаси”, “Амалий филология” йўналишларини ташкил қилиниб, хорижий олий таълим муассасаларида ўзбек тили марказлари фаолиятини йўлга қўйилгани таҳсинга сазовор. Ўзбек тилига оид барча илмий, назарий ва амалий маълумотларни ўзида жамлаган электрон кўринишдаги ўзбек тили миллий корпусини яратилаётгани ҳам унинг конституциявий мавқеининг ошганининг амалий ифодаси. Ишончимиз комилки, ўзбек тили жаҳон цивилизациясида янада равнақ топиб, жаҳон аҳлини ўзига ром қила оладиган халқаро тил даражасига кўтарила олади. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тузилмасида Давлат тилини ривожлантириш департаменти ташкил этилди. Зеро, Ўзбекистон ҳуқуқий давлат деб Конституцияда белгилаб қўйилган экан, унутмаслик керакки, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 42-моддаси «Давлат тили тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш» деб номланган бўлиб, унга кўра, фуқароларнинг тарбия ва таълим беришда тилни эркин танлашдан иборат ҳуқуқларини бузиш, тилдан фойдаланишда тўсқинлик қилиш ва чеклаш, давлат тилини, шунингдек, Ўзбекистон Республикасида яшовчи бошқа миллатлар ва элатларнинг тилларини менсимаслик базавий ҳисоблаш миқдорининг бир бараваридан икки бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади. Вазирлар Маҳкамаси 2020 йил 1 июнга қадар қуйидаги асосий йўналишларни ўз ичига олган 2020—2030 йилларда ўзбек тилини ривожлантириш ҳамда тил сиёсатини такомиллаштириш концепцияси ва давлат дастури ишлаб чиқди. Биринчидан, давлат тилининг халқаро миқёсдаги ўрни ва нуфузи, унинг бошқа тиллар билан алоқалари истиқболларини белгилаш, хорижда истиқомат қилувчи ватандошлар ва ўзбек тилини ўрганиш истагида бўлган чет эл фуқаролари учун ўзбек тили дарсликлари ва электрон дастурларни ишлаб чиқиш ва уларни кенг миқёсда тарқатиш, ўзбек тилини ўргатиш бўйича махсус курсларни ташкил этилгани, таҳсинга сазовордир. Бу қадамлар, иқлоҳотлар Она тилимизнинг

умрбоқийлигини мустақкам бериши билан бирга қадрини баланд қилган омиллардир.